

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ



Ўзбекистон Республикаси  
ижтимоий-иқтисодий  
газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 25 МАҲ. сешанба, № 36 (5.992). Сотувда эркин нархда

**БУГУНГИ СОНДА:**

1-2-саҳифалар

**«МЕН НЕЧУН  
СЕВАМАН  
ЎЗБЕКИСТОННИ»**

1-3-саҳифалар

**ТОВЛАМАЧНИ  
ТАНИЙСИЗМИ?**

1-2-саҳифалар

«КАТАҒОН

**ҚУРЪОНЛАРИ РҲҲИ  
ҲҲҒОНДИ»**

4-саҳифа

**БЕДИЛ**

**ФАЛСАҒАСИНИНГ  
МОҲИЯТИ НИМАДА?**

**БУГУНИНГ  
ЯНГИЛИКЛАРИ**

● Республика Олий Мажлиси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг мажлиси бўлди.

● Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасида ёзги мавсумда болаларнинг дам олиши ва уларнинг соғлиғини тиклаш янгиликлари ҳамда 1999 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ва уни ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган кенгаш бўлди.

● Ўзбекистон Республикасининг меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг мажлиси бўлди. Унда бир қатор вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва жамғарма вилоят бўлимлари раислари иштирок этди.

● Вазирилар Маҳкамасининг «1999—2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарори юзасидан белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган Хоразм вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Кўкномтор-таъмирлаш» ҳиссдорлик жамиятида ҳосилдан бўшаган ерларни такрорий экишга тайёрлашга қўл келадиган чизел-культиваторлар ҳозирлашга киришилди. Американинг «Магнум» тракторларига тиркаб ишлатиладиган бу культиваторлар синовдан муваффақиятли ўтди.

● Бувайда тумани пиллачилари Фаргона вилоятида биринчи бўлиб давлатга 160 тоннага яқин «кумуш тола» этказиб бериб, шартнома режасини бажардилар.

**МИЛЛИОН ЭГАТЛАРГА  
СОЧИЛГАН РИЗҚИМ...**



**ИСЛОМ КАРИМОВГА «ОЛТИН МАРЖОН»  
МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ**

Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга федерациянинг олий мукофоти — «Олтин маржон»ни тантанали равишда топширди. Мазкур мукофот давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда, қолаверса жаҳонда спортни ривожлантириш йулидаги катта хизматлари учун берилди. Шунинг ҳам айтиш кераки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов жаҳондаги давлат раҳбарларидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирланди.

24 май куни Оқсарой қароргоҳида Президент Ислам Каримов билан ФИЛА Бош котиби Мишел Дюссон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида узаро алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда спортни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Маълумки, 25 май куни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум ва



А. Тўраев олган сурат. (ЎЗА).

эркин кураш буйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланади. — Мазкур чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилиши биз учун катта воқеа, — деди Ислам Каримов сўхбат чоғида. — Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда узбек кураши буйича биринчи халқаро мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон билан халқаро спорт ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда ФИЛАга

135 дан зиёд мамлакатнинг кураш буйича миллий федерацияси аъзо. Ўзбекистон кураш уюшмаси унга 1992 йилда қўшилган. ФИЛанинг асосий мақсади — юнон-рум, эркин кураш ва аёллар курашини дунё миқёсида кенг ейишидир.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир уринбосари Х.Кароматов иштирок этди.

(ЎЗА).

**САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда ҳамкорлик буйича Евро-Атлантика кенгаши учрашуви пайтида менга ҳаммаслақ бўлганингиз учун Сизга миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Биз Саммитда эришилган ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш ҳамда ҳамкор мамлакатлар ва иттифоқ ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги натижалар билан фахрланишга ҳақлимиз.

Бизнинг кенгашдаги ҳамда тинчлик йулидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга ошираётган ишимиз барқа-

рор ва хавфсиз Евро-Атлантика ҳамкорлигини бунёд этишга ёрдам бермоқда. Биз ҳамкорлик ва мулоқот умумий қадрият ва мақсадларимизга қумаклашишига ишонганимиз учун ҳам ҳамкор ва дўст бўлишга аҳд қилганмиз.

Келинг, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя этилаётган тинчлик ва раванқнинг Евро-Атлантика зонасини биргаликда бунёд қилишда давом этайлик.

Қамолд эҳтиром билан,  
Билл КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти

**ИСТИҚБОЛ ОЧГАН  
ЯНГИ САҲИҒА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «1999—2001» йилларда Хоразм вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори бундан ташқари раҳбарлик лавозимларида ишлаб келяпман. Қарор матбуотда эълон қилиниши билан мендан бир неча кўйлақни олдин тўздирилган. Ярим асрга яқин раҳбарлик лавозимларида ишлаган оқсодлар. 19 май куни вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Макроиктисодий ва статистика вазирининг Б. С. Хамидов иштирокида ўтказилган фаоллар йиғилишида мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг воҳанига бераётган улкан эътибори, Дастурининг вилоят тараққиёти учун аҳамияти тўғрисида қўлбандил сузлари айтилди. Ҳақиқатан ҳам ушбу ҳавола-хш қарор ижроси қадим ва навқирон воҳамиз турмушида янги саҳифа очиб беради.

**Истиқбол  
уфқлари**

Дастур Хоразм вилоятида бозор муносабатларини янада дадилроқ таркиб топтириш, ислохотларни изчил чуқурлаштириш тизимини вужудга келтириш, бу эзгу мақсад йулидаги қўлбандил ишларни зарур маблағ етарли ишчи кучи билан таъминлаш, биринчи навбатда аҳоли турмушини тубдан яхшилаш, шу жумладан қишлоқ хўжалигида кескин узғаришларга эришишни қўзда тутди. Мухбиримизнинг Хоразм вилояти қишлоқ ва сув хўжалигини бошқармаси бошлигининг биринчи уринбосари Қ.Халимбетов билан қилган сўхбати ана шу мавзуга бағишланди.

(Давоми 2-бетда)

**Янги руқн тақдимоти**

Азиз муштарий! газетамиз саҳифаларида бугундан эътиборан «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли янги руқн очилди. Унда мустақил юртимизнинг жаннатмонанд гўшалари, уларни обод этаётган заҳматқаш замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилиб борилади.

**ЗОМИН БУЛОҚЛАРИ,  
ЗИЛОЛ БУЛОҚЛАР**

Зомин тупроғига қадам қўганимизда ҳавони қора булут қоплади. Хатто қақмоқ қақиб, олдига момақалдироқ гўмбурлади.

— Роса ёғиб булади-ей!  
— Баҳорнинг кунини,  
— кудди ҳамроҳимиз,  
туман ҳокимининг биринчи уринбосари Урол Оққулов. Кейин қўшиб қўйди, — тоққа яқинида. Бир чеккаси пойқадамнинглар ҳам ёқди. Ҳозир бизга ёғиб жуда керак. Ғалла, чорва озуксига қувватда...

Ёғиб томчилла бошлади. То ҳокимиятдаги йиғилиш туғунача ёғиб ҳам туппа-тузуккина ёғиб ўтди.

Саҳар кезлари Зомин қирларини кезганимиз? Шунча-

лар соҳир, шунчалар қуркам, шунчалар сеҳри бўлиб кетдики, асти қўверасиз. Яйловдаги қум-қўқ майсаларга ёнбошланган, худди она заминнинг шивирларини эшитгандек бўласиз.

«Молгузар» ширкати ҳўжалиги раҳбари Янгибой ака Усаров бир туп гўёқ ҳақида бир соат завқ билан сузлай олади. Унинг шу қирларга, шу қишлоқларга шу ерни сўғордирадиган минг дардга шифо Хўжа Серб чашмасига муҳаббати, садоқатини қўриб, тахсинлар қўйсиз. У ҳар бир жонистини суяди, эҳтиёт қиладди.

**«Мен нечун севаман  
Ўзбекистонни»**

(Давоми 2-бетда)

**УЛАР ХАЛҚНИНГ  
ЮРАГИДА ЯШАЙДИ**

Республикамиз Президентининг яқинда имзолаган «Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллиятни ҳуррият ва эркинликка қорлаган, Шўро даврида катагон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги фармойишлари гоят муҳим ва уз вақтида чиққан ҳужжат бўлди.

Зеро, 1865 йилда генерал Черняевнинг «Тошкентнинг иктиврий равишда рус қўшинларига бўйсунгани» ҳақида уштинган хатига бўйсунмай, етти ҳамкасби билан Сибирга сўғун қилиниб, ўлдирлиб юборилган шаққоқ Солиқбек Оқундан бошлаб, 1917 йилгача бўлган даврдаги эрк ва озодлик йулида тузилган туркистонликларнинг қони адалдизлар.

Октябрь воқеаларидан кейин эса, бу янада авж олди. Статистика Туркистон аҳолисининг 1909—1920 йиллар оралиғида 1,5 миллионга қайта кетганини хабар қилди. Тасавур қилинг, Туркистонда мамлакатда қупайиш эмас, қайиш ҳақида гап кетди. 1820 йилдан 1991 йилгача ҳам оқин-ёпик, номлик-номисиз қатагонлар қуп бўлди. Бир қатагон, миллият узини етиштириб бораверди, иккинчи томондан, унинг қўзи очилган туллари қайчилана-

верди. Миллатимизнинг тағзамини қўчи экан, йўқ бўлиб кетмади, узини, узлигини сақлаб қола олди. Мустақилликни қўлга киритиш билан жуда қисқа мuddатда 130 йил давомида йўқотилган аслий хўсусятларини тиклашга муваффақ бўлди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида мазкур фармойишга асосан жамоатчилик комиссияси фаолият курсата бошлади.

Жамоатчилик комиссиясига келадиган бўлса, у тузилган кундан бошлаб ишга киришган.

Матбуотда комиссияга мурожаати босилди. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида навбатчилик ташкил қилинди. Телефонлар улуқсиз ишлаб турибди. Одамлар уз яқинлари ҳақидаги ҳўжжат ва материалларни қўриб келмоқдалар. Халқнинг адалатга кундан-кун ишончи ортиб борапти.

Жамоатчилик комиссиясининг ҳам ишлари етарли. Ҳозир муҳокама қилинаётган масалалар ишининг қуламини белгилаш, ташкилий жиҳатларини келишиб олиш, материалларга ёндошишда ҳолисани таъминлаш бўлиб турибди. Чўнончи. Русия истисодидан бошлаб олинди.

(Давоми 2-бетда)

**ҚОЧ, «МУХБИР»  
КЕЛЯПТИ!**

Гоголининг «Ревизор» комедиясини қурганимиз? Ундаги Хлестаков аталмиш товламачи бир зотнинг фирибгарлиғию устакорлиғига қойил қолганимиз? Ҳа, дейсизми? Яшан! Мен ҳам қойил қолганман. Кейин... нега узимизнинг йиғилтар орасидан шунча шоввозлар етишиб чиқмапти, деб андак хафа ҳам бўлганман.

Бахтимни қарангки, яқинда ана шу орзуми ушалганини эшитиб болини осмонга етди. Мана, бу бошқа гап. Буларкан-у. Оббо азамат-эй. Оббо шоввоз-эй!

Шу денг қувончдан узимни қўярга жой тополмай дарҳол уни излаб йўлга тушдим. Бир қўлини қисиб табриклар қўйя дедим.

Дараги аввал Намангандан чиққан экан. Уша ёққа йўл олдим.

Иттифоқо катта кучада орқа-олдига аланг-жаланг қараб, бетўхот кетаётган бир амакига дуч келдим.

Қуринишдан е раис в бригадир, ҳеч бўлмаса фермер.

— Бахайр, биродари азини, бу қадар хавотиру таҳлиқангизнинг боиси недур? — деб сураддим. Илло ташвишли одамдан ҳол сурамоқ фарзду.

— И-и-и, секинроқ секинроқ, — деб шивирлади ул киши яна теваракка қўриқ-қалиса назар ташлаб. — Мухбирдан қочиб юрибман. Юринг, панароққа утайлик келиб қолса, қутулиш қийин бўлади.

**Фельетон**

— Шошманг-шошманг, ким экан уша сизни бунча қурқитган мухбир. Қурдингизми узини?

— Э, қурмаганим ҳам қуймаганим ҳам маъқул. Зангарни жудаям олим дейишди. Ушлаган жойини кесиб, утирган жойини упириб кетармиш.

— Ишингиз яхши, тагингиз тоза бўлса, нимасидан

(Давоми 3-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА  
ЎҚИЙСИЗ:**

**«Ўзбек модели»ни дунё тан олади  
Чўпон ҳам мулкдор бўлсин**

**Янги руқн тақдимоти: Сийрат!  
Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат.**



## АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА...

### МУДДАО

Сафарга отландим. Ҳар соҳада пешқадам, пахтага ҳам, галлага ҳам уста, миришкор, янгиликнинг орқасидан қувиб юрадиган, ҳамisha изланишдаги, ташаббускор, ишбилармон ва тadbиркор, оқил доно, мард ва танги андижонликлар ҳузурига! Аммо...

Сафар олдида бир ҳол таъбимни хира қилди. Ҳар соҳада доврқли, удли-шудли, кури-кутли шу Андижонда республиканинг қишлоқлари нафасини, ҳаётини ёритадиган ягона газета, қулнигиздаги ана шу «Қишлоқ ҳаёти» газетаси жуда-жуда оз олишаркан, оз ўқишаркан. Масалан: тупроғи олтин, одамлари олтин Олтинқулда «Қишлоқ ҳаёти»га бор-йўғи 8 донга буна бўлишибди. Бу эрларни гулистонга айлантирган Буз туманида Тулан Низомиде, Муҳаммад Алидек шоирлар юртида эса... айтишга ҳам уялсан одам... Бор-йўғи уч донагина газета олишаркан! Бошқа туманларда ҳам бу борадаги аҳвол бундан яхши эмас. Бунга сабаб нима? Тарғибот ишлари сустми? Ва ёки газетада қишлоқ кишилари ҳаётини яхши ёритолмаяптими? Балки, уларни қизиқтирган, улар кутавтган мавзуларни кутариб чиқолмаётгандирми?

Бугун газета тахририятига янги ижодий кучлар келиб қўшилипти. Эзгу муддао: газетани уз номига муносиб, қишлоқ кишилари кутариб юриб, қидириб юриб ўқийдиган нашрга айлантириш. Бугун «Қишлоқ ҳаёти» ижодий жамоасининг бош мақсади шу. Андижонликларга айтмоқчиман. «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилганлар, ишонч билан ёзилганлар, пулнигизга ҳам, вақтингизга ҳам қўймайсиз, демократик. Шу ниятда йўлга чиққанман. Йўл-йўлкай андижонликларнинг бугунги эзгу ишлари ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя ҳам қилиш...

### МУНАВВАРХОНИМ МИЛЛИОНЛАРИ

Бекатда тўхтаган автобусимизга одам ёпирилиб чикди. Бош бекатдан йўлга тушганда хувиллаб ётган салон турли ёш, турфа феъл-атвордаги кишиларга тўлди-қўйди. Говур-гувур бошланди.

— Бу ер бўшимиз?

Хавл суриб қолган эканман, шундоқ тепамда турган, қорамгаздан келган, тулагина, урта ёшлардаги аёлга эътибор бермабман.

— Буш, бемалол утиравиринг, — дедим ва хиёл сурилдим. Аёл ёнимга утирди. Утирди-ю сумкасида бир даста пил чикариди. Йўлқирага мулжаллади чоғи, майда, эски-туски, гижимларини ажратиб олиб, қайта-қайта санай бошлади.

Шу пайт буш тоғора кутарган кимдир:

— Қалай опа, сотиб бўлдингизми? — деди.

— Ха, кутарасига сотвордим, — деди аёл бунга жавобан.

— Қанчадан?

— Юз ундан...

— Нима соттингиз опа?

— Помидор-да, — деди аёл қўлидаги пулни санашда давом этаркан.

— Узингизникими, ё?

— Узимизники, олти сотих парнигимиз бор. Шундан, — деди аёл.

Қизиқшим ортди.

— Даромад яхши бўлса керак? — сурадим.

— Нолимаймиш, турмушимиз, — еб-ичшимиз, туй-туйчимиз шу туйфайли, — деди аёл.

— Сир бўлмаси бир йилда қанча даромад олдингиз?

— Утган йили бир миллион сум даромад олгандим. Бу йил ҳосил яхши. Бир ярим миллионга етиб қолар, деб турибдим...

Олти сотих ердан миллион сум даромад! Аёлни танимасам-да ҳурматим ошди.

Аёлнинг исми-шарифи Мунаввархон Хайдарова экан. Олтинқул туманининг «Тошкент» жамоа ҳужалиги, Қумакай қишлоғида истикомат қиларкан. Турт фарзанди — бир уғил, уч қизи бор экан. Узи олий маълумотли тарбиячи экан. Оз эмас 26 йил болалар боғчасида мудира бўлибди. Маълум муддат пахтачилик бригадасини бошқарибди. Эри Абдурашид ака Абдумаликов Андижон пахтачилик институтини битирган бўлиб, 37 йиллик агроном экан.

Эр-хотин пенсияга чиқишибди-ю уйда «бекор-чикужа» бўлиб утиришни уларига эп қиришмабди. Қуни-қушиларига таассуб қилиб, бир-иккита мол-ҳолларини сотиб у ёқдан темир, бу ёқдан қувур дегандек топиб, ҳовлиларининг бир қисмига — олти сотих жойга табиий газга ишлайдиган иссиқхона қуришибди. Олти йилдан бери иш амаллари шўжкан. Ерни яхшилаб тайёрлаб қишда — январнинг унчиларига помидорнинг «Кастелло», «Марпа», «Карелсон» деган навларидан экишаркан. Яна иссиқхонага бироз шилво бергандан кейин куз бошида — сентябрнинг йигирмаларига бодиринг экишаркан. Мунаввархонимнинг айтишларича, бу дунёда бодирингнинг «Легенда» навидан-да серҳосил, бозорусида неъмат бўлмас экан. Октябрьнинг урталарига бориб шигил ҳосилга кираркан. Эр-хотин Абдурашид ака билан Мунаввархон қол-қол бодирингни гоҳ шахсий машиналарига, гоҳ йўловчи автобусларга ортиб Андижон, Наманган бозорини хуб «гуллатишаркан».

### «Қишлоқ ҳаёти» йўлланмаси билан

Ҳар икки вилоят деҳқон бозорларида уларни яхши танишаркан. Улар етиштирган помидорнинг ҳам, бодирингнинг ҳам уз харидорлари бор экан... «Қойил» дедим. Ва Мунаввархоним билан хайрлашиб Олтинқулда тушиб қолар эканман, бу ажойиб меҳнаткаш аёлнинг манзилгоҳини ён дафтарида эзиб олдим. Насиб қилса, авжи кўзда Қумакайда учрашадиган бўлдим. Сўнгра бу оиланинг ибратли ишлари ҳусусида «Қишлоқ ҳаёти»да бир шингил ҳикоя қилишни дилимга тугдим.

### ОЛТИНҚУЛДА

Туман ҳокимияти томон бораётиб, шундоқ йўл ёқасидаги газета дўканига назарим тушди. Беҳтиёр шу томон қайрилдим. Ҳар хил газеталар қиройли қилиб тахлаб қўйилди. Аммо улар орасида негадир каминани қизиқтирган газета кўринмади. Сотуви аёлдан сурайман.

— «Қишлоқ ҳаёти» газетасини олдингизми?

— Ҳар-ҳар замонда келадим... Кам келадим, — деди сотувчи.

Таажубланаман. Ва шу руҳда туман ҳокимлиги бизнесига кириб бораим. Зиналарга тушгангилам гилам поендонзи бир-бир босиб иккинчи қавагга кутариламан. Қабулхонада котиба киз машинкада ниманидир чиқиллатиб ёзпти. Дераза олдида ташқарига куз ташлаб турган бўйчангина, оппоқ қўлилагига муносиб галстук таққан, Чуст дуппиди, келишгангина йигит мен томон юзланади. Раҳбарларни сурайман. Уйлаганимдек, ҳоким ҳам, ўринбосарлари ҳам дала кезиб юришибдиёкан.

— Қечирасиз, ўзингиз ким бўлиб ишлайсиз? — сурайман.

— Ҳоким ёрдамчисиман.

— Сизни бироз вақтингизни олсам майлими?

— Бемалол, — дейди йигит. Ва мени қабулхона қаршисидаги қоқина хонага — иш кабинетига бошлаб киради.

Танишамиз. Ҳоким ёрдамчисининг исми-шарифи Сирожиiddин Насибов бўлиб, узи ҳам бизнинг «қавм»-да журналист экан. Шу туйфайли бўлса керак, гапимиз тез қовуша қолди.

Сирожиiddин буна ҳақидаги сўнги маълумотларни олиш учун туман почта алоқа боғламасига кўнгирак қилди. Бошлиқ таътилда экан. Урнида

ишлайдиган одам қаеққадир кетибди.

Ҳокимимиз ҳам ҳализамон келиб қоладилар. Унгача бир пилёдан чой ичиб турсак нима дейсиз? — дейди Сирожиiddин.

— Майли, — дейман...

Шундоқ ҳокимият эшигидан чиқаверишда урта бўйли, эллик ёшлар чамасидаги одмигина бир кишига дуч келдик.

— Ҳокимимиз Гуломқодир ака Маматқодиров буладилар, — дея бизни бир-биримизга таништиради Сирожиiddин.

Ҳол-аҳвол сурашган бўламиз. Кейин мен газетадан, обунадан гап очаман.

— Ердан қиламиз, — дейди ҳоким, — бироқ, одамларни ёзилсин, деб мажбур қилиб бўлмайди-да. У шундай дея сал қаттиқроқ гап қилганини юмшатиш учун жиймайиб қўйди.

— Албатта, мажбур қилиб бўлмайди, — дейман мен, — аммо, тарғиб қилишимиз керак. Қишлоқ ҳаётини ёритадиган республиканинг ягона газетаси қўпгина қишлоқ хонадонларига кириб бориши ҳам керак. Уни раис бўвалар, катта-кичик раҳбар мутахассислар-у миришкор деҳқонлар ўқиша ёмон бўлмайди. Уни ўқиганлар куп нарса олади. Манадан бойиди. Таҳририят ижодий жамоаси газетхонлар кўнглига йўл топишга астойдил бел боғлаган. Қолаверса, гап фақат «Қишлоқ ҳаёти»да эмас, умуман матбуотни халққа етказиш лозим.

— Яхши, — дейди ҳоким. Бу «яхши» қайси маънода айтилганини унча англолмай қоламан. Шу қуйи хайрлашамиз.

### ВАЪДА

Назиржон Саидовни сиртдан танирдим. Унинг асл журналист эканлигини, туман газетаси муҳаррирлигидан кутарилиб, райжироқум раиси муовини, сўнг райкум котиби, туман ҳокими ва ниҳоят вилоят ҳокимининг ўринбосари даражасига етганлигини яхши билардик. Аммо узини қурмагандим.

Тушликдан сал утанди. Қабулхонада утирган қиздан «узларидими?» дея сурадим. Котиба асарият идоралардагидек «кимсиз, қаердансиз, нима иш билан келдингиз?» деб сураб-суриштириб утирмади. «Кираверинг, узларидилар» деди.

Кириб бордим.

— Сизни танийман, — деди у дулворлик билан, мақолаларингизни ўқиганман. «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бизда пастиги ҳам турди. Тан оламиз. Ва бунга тўзатамиз. Хуш, қанча обуна бўлишимиз керак?

— Бир ярим мингта.

— Яхши. Абдуғулом. Қани. Абдуғулом? Абдуғулом Султонов келди.

Назиржон Саидов ёрдамчисига аниқ топширик берди.

— Кеча ҳоким ҳузурларида ҳам шу гап бўлди, — деди у бизларни таништиргач. «Қишлоқ ҳаёти»га обуна сўста. Вилоятдаги қишлоқ ҳужалиги дахлдор барча соҳа раҳбарларига, туман ҳокимларига ҳат тайёрлайди. Шахсан узим бу масалани назоратга оламан.

Ҳокимлик биносидан ёруғ қайфиятда чиқдим. Андижонликлар бир ишга киришса астойдил киришадилар, ваъда берса унга албат амал қилажағлари ҳақида уйландим. Бу гап ҳам шундай бўлсин. **Уз навабидна биз қалдам ахди ҳам уларнинг эзгу ишлари ҳақида жушиб-жушиб ёзайлик.**

Ортиқали НОМОЗОВ.

**ТАХРИРИЯТДАН: «Қишлоқ ҳаёти»нинг жойлардаги обуна баҳонасида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида матбуот тарқатишининг аҳоли билан танишиш мақсадида ўз ва жамоатчи муҳбирларимиз барча вилоятларга жўнаб кетдилар. Уларнинг сафарномалари газета саҳифаларида батафсил чоп этилади.**



Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкат ҳужалиги пиллакори Кимёхон Ризаева ҳар йили ипак курти парваришлаш мавсумини ортиқиб кутади. Сабаби, онахон пиллачиликка алоҳида меҳр қўйган. У бу йил ҳам бир курти ипак куртини кўп ииллик тажрибаси асосида парваришлаб, режадаги 52 килограмм ўрнига 136 килограмм сифатли хомашё топишди. Суратда: моҳир пиллакор Кимёхон Ризаева.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ҚОЧ, «МУХБИР» КЕЛЯПТИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

қурқасиз?

— Э, буниси тоза-нотоза, деб утирмас экан. Авра-астарингни агардир албатта бирор камчилигингни топар экан-у то «қўнглини олмагунингча» юмшамаскан.

Ичимда «Яшовор, устаси фаранг, деб қўйдиму, сир бой бермай «суроқ»ни давом эттирдим.

— Қўнглини қанақа қилиб олса бўларкан?

— Содда экансиз, оғайни. Қанақа бўларди: «Майшати жой, қорнига ошу чой, машинасига мой ва ниҳоят... чунгага «лои» солинадими! Ошналаридадан икки-унтасини қоқлаб кетган.

— Қўйсангиз-чи... Мухбир одам ҳам пора олади-ми?

— Олганда қандоқ! Айтганча, тунов қуни «Оталар сузи...» дамкин бир қурсатув берганида, қурувдигизми? Икки-уч муҳбир раисни роса шилишиб, устига-устак машиналари билан бир одамни босиб кетиб, қуён бўлганини курсатганиди. Мен айтганганим улардан ҳам ёмон эмас. Лекин буниси ҳам нуқул раис боболарнинг гирибонидан олариши.

— Қуриниши қанақа экан?

— Басавлат. Икки бети олмадай қизил. Текин оқат семиртирган-да. Бошида сояонқалпоғи, буйнида буйинбоғи ҳам бор.

— Э-э, шошманг-шошманг. Сиз ҳалиги мен излаб-излаб одамга дуч келгансиз. Урашганимиз яхши бўлди. Қани юринг, уша одамга менинг икки оғиз гапим бор...

Амаки, менга бир қаради-ю хайр-хўши ҳам насия қилиб, турра чоғди. Турган жойимда лолу хайрон қолавердим. Аммо-лекин узимиздан чиққан Хлестаковнинг бунчалик ном чиқариб-ворганидан, рости гап роса фахрландим. Наманганни сар-сари кезиб уни топполган, тўтқин бермаслигига ишонч ҳосил қилиб қу-

ворамиз. Э, яша-е! Мана буни маҳорат деса бўлади. Шуринг кургур Хлестаков ҳам қойил қолиб, қабрда ҳасаддан уртаниб ётган бўлса ажаб эрмас.

Хуллас, излаб-излаб топполганимга қувониб, тўтқин бермаслигидан хайратга тушиб утирмас, қуни кеча қулогимга ёмон бир хабар эшитилди. Тегишли идоралар унинг изига тулашганими. Ушлаб товламачилиги, фирибгарлиги, таъмагирлиги учун суд қилишармиш.

Хай-хай! Нима кераги бор шундай ноёб «истеъдод» соҳибини абгор қилишининг. Юрса-юрибди-да. Қайтага қанча-қанча замонавий Гоголларга винки лоқал мендек фельетончи акасига илҳом беради. Яхши-яхши ҳажвларга қаҳрамон бўлади. Узларингиз мириқиб ўқийсиз, томоша қиласиз. «Қойил-э, мана узимиздан ҳам чиқибди-ку», деб фахрланасиз.

Энди менинг фельетончи қаҳрамони қулогига айтганидан бир оғиз гапим бор. Илтимос, уни ҳеч ким ўқимасин. Мабодо ўқиб қолсам ҳеч кимга эшиттирмай фақат унга бориб айтсин:

«Эҳтиёт бўл, ука! Нонингни яримта қилишмоқчи. Йизинга тушишган. Агар яширинишга жой топполмасан (рости гап, ҳозир сенга ушаганларга сичқонинг ини минг танга) узининг олдимга кел. Фельетонининг ичига бекитиб қўяман. Бу ердан сени ҳеч ким топполмайди. Уқийди-ю узингни қурмай қўрқиб, бир-бирларини оғохлатириб юришди:

— Қоч, «муҳбир» келяпти!» деб.

Билмасой АЙТМАСОВ.

**ТАХРИРИЯТДАН: азиз муштарийлар! Айрим вилоятларда ушбу фельетон қаҳрамони сингари фирибгарлар пайдо бўлган ҳақида хабарлар олдик. Қалам аҳлининг пок номига доғ туширишга уриналган товламачи нокаслар йўлини тўсиш, флэш этиб жазосини бериш — барчамизнинг ишимиз. Бундай ҳолларга дуч келганда тегишли таҳририятларга, жойлардаги ҳуқуқ идораларига дарҳол хабар қилишингизни сураймиз.**

## ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Чортоқлик пиллакорлар жорий йил мавсумини қўнглидагидек ўтказиш учун 3.500 кўти ипак куртини меҳр билан парваришлаб, республикамиз парвонига шартномадаги 150 тонна урнига 246 тонна қимматли хом ашё етказиб беришга азму қарор қилишган.

Мавжуд тўзторлар озиклан-тирилиб, қондириб сугорилганлиги, зараркундадагига қарши ишлов берилганлиги туйфайли мулжалдагидан зийд барг тулпанган. Бундан ташқари бу йил баҳорда 135 минг туп тўт қўнгли утазилди, мавсумга пухта замин яратилди. Айна пайтда 3 минг 700 та хонадонда ипак курти парвар-

ришланмоқда. Ҳужаликларда пиллакорларни етарли миқдорда барг билан таъминлаш учун алоҳида гуруҳлар ташқил этилган. Бу ўқишларни амалга оширишда Алишер Навоий номили, «Ойирон», «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги», «Пешқурган», Бобур номили, Ҳамид Олимов номили ҳужаликларнинг қумуш тола мутахассислари ҳамкасбларига урناк бўлмоқдалар. Туманда мул ҳосил усталари, тажрибали пиллакорлар кўп. Малика Муйдинова, Хайрихон Мирзараҳимова,

Маърифат Саидбоева, Рузобий Султонов бошлиқ бригадалар утган йили мул ва сифатли хомашё топириб, меҳнат баҳсида

уларга тегишли масалалар бериб, амалий ёрдам курсатмоқдалар. Туманда қумуш тола ҳосилдорлигини уртача 70 килограммга етказиш режалаштирилган. Чортоқнинг илгор пиллакорларидан Уктамон Эргашев, Абдураҳим Турсунов, Бахтиёр Давлатов, Замира Турабоева, Минаваев Турғунова, Мовлула Маматжоновлар утган йили ҳар қўти курт уридан 90-105 килограммдан қумуш тола етиштириб, хирмонга баракка киритишган эди. Улар

### Мавсум

голиб чиқишганди. Улар жорий мавсумда ҳам юксак маррани кузлаб иш юритмоқдалар.

Бугунги кунда бош пиллахона мутахассислари, бригада етакчилари курт боқилаётган хонадонларга таъширф бўюриб,

## УВОЛНИ БИЛМАГАНЛАР

Бу йилги баҳорнинг серёгин келиши яйловларга кўт барака киритди. Лалми майдонлардаги галлазорлар кундан-кунга баравж ривожланипти. Чорвадорнинг озука масаласида кўнгли тўқ. Лекин...

«Андижон» ширкатлар бирлашмаси ишчиси Алиқул Шойзоқов 2 бош молини ҳужалик галлазорига қўйиб юборди. Натижада бир бош қорамоли сўйилди. Мирзачул тумани «Мирзачул» ширкатлар бирлашма-

камизда барча экин майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Афсуски, айримлар экинзор деганда фақатгина гал-

роҳат боғига экилган дарахт кучатларини пайҳон қилгани, шу маҳалла фуқароси Тўйчи Ашуровнинг 2 бош қорамоли ҳам ана шу жойдаги дов-дарахтга зиён етказгани учун 450 сумдан жарима тулашди.

### Уят!

Халқимизда «бировнинг ризқини қийган» деган нақл бор. Барчамизнинг насибамиз булган галлазорларни ва бошқа экинзорларни пайҳон этаётган фуқароларнинг ҳам ризқи қийилаётгани, молларидан ажралаётгани, жарима тулаётганликларини жиддий уйлаб қуришаётганимикин? Бу уларига ҳам, бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Афсуски, айрим фуқаролар ҳамон чорва молларини ҳужаликларнинг экинзорларига қўйиб юбориб, пайҳон бўлишига сабаб бўлишмоқда. Молининг бир қўнгли тўқлиги учун эртага кўплаб кишиларнинг ризқини қийётганликларини хавлларига ҳам келтиришмаяпти. Оқибатда баъзи қонунбузарларнинг моли сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилапти. Бошқалари эса жарима тулашмоқда. Зарбдор туманидаги

Халқимизда «бировнинг ризқини қийлади» деган нақл бор. Барчамизнинг насибамиз булган галлазорларни ва бошқа экинзорларни пайҳон этаётган фуқароларнинг ҳам ризқи қийилаётгани, молларидан ажралаётгани, жарима тулаётганликларини жиддий уйлаб қуришаётганимикин? Бу уларига ҳам, бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.



## КУРРАИ ЗАМИНДА

● **ОСТОНА.** Козогистоннинг Аягуз шаҳри ҳокими ва Ўржар тумани қишлоқ ҳужалиги соҳасида хизмат қилаётган шах нафар мансабдор ушх устидан жинорий иш қўзғатилди.

Козогистон солиқ полициясининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича марказида маълум қилинишича, Ожар, Қорабуёқ ва Салқинбел қишлоқ ҳужалик округлари ҳокимлари Б. Абиляиров, А. Далдирбоев ҳамда Т. Кабиев ўтган йили катта миқдордаги маблағни ноқонуний равишда ўзлаштирган. Бу маблағ уша йили бўлиб ўтган президентлик сайловолди кампаниясига ажратилган эди.

Аягуз шаҳри ҳокими М. Қосимжонов эса шаҳар коммунал хизмати тармоғида қилин-

маган ишларга ҳам қалбаки ҳужжатлар тузиб, 94 минг тенгени (1100 АҚШ долларига тенг) ўзлаштирган.

● **ТБИЛИСИ.** АҚШ шу йилнинг охирида Грузияга 10 донга «Ирокез» русумидаги ҳарбий-транспорт вертолётини текинга беришга қарор қилди.

Грузия Мудофаа вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, шу йилнинг июль ойида АҚШ мутахассислари Грузияга келиб, мазкур вертолётларни бошқариш учун маҳаллий учувчиларни танлайди. Қуни кеча АҚШ мудофаа вазирлиги раҳбарияти АҚШ вертолётларини Грузияга келтириш ва учувчиларни тайёрлаш масаласида фикрлашиб олди.

● **ДЕХЛИ.** Ҳиндистон

билан Покистоннинг чегарадош ҳудудларида икки ёқлама отишмалар ҳамон тўхтамаяпти. Қуни кеча Покистон чегарачилари яна Кашмир штатининг Каргил секторини замбараклардан ўкка тутди. Натижада бир хинд аскарни ҳалок бўлди.

Ҳиндистон Мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, кейинги вақтларда анча хотиржам бўлиб қолган Гурез тумани ҳам Покистон чегарачилари томонидан ўкка тутилган.

● **ТЕХРОН.** Эрон пойтахтида Европа иттифоқи делегацияси билан ушбу мамлакат расмий вакиллари урт

# ҲАЗРАТИ ИНСОНИ ҚИБЛА, ДЕЪ БИЛДИ

Мирзо Абдулқодир Бедил — Шарқ мумтоз шеърятининг буюк сиймо-ларидан бири, турмазно форс шеърят-ида узига хос янги услубга асос сол-ган даҳо мутафаккирдир.

1644 йилда Ҳиндистоннинг Банго-лия штатидаги Азимобод шаҳрида си-поҳи оиласида дунёга келади. Унинг бобоси шахрисабзлик узбекларнинг барлос уруғидан бўлиб, у муқаддас ҳаж сафаридан қайтайтиб, Ҳиндистон-да муқим бўлиб қолган эди. Абдулқо-дир бир йашга тулганида уз отасидан ажралиб қолади. У уз саводини уйда маърифатли онаси қўлида чиқаради.

Буюк шоир ва файласуф 130 минг мисрадан ортиқ шеърий, элик бос-ма табоқ ҳажмида насрий мерос қол-дирган. Шоирнинг асосий шеърий асарлари жамланган «Кулӣёт-и», шун-ингдек, «Тилсим ҳайрат», «Таркибот ва таржеёт», «Муҳита аъзам», «Тури маърифат», «Ишорот ва ҳикоят», «Риқъаот», «Чаҳор унсур», «Ирфон», «Нукот» сингари улмас дурдона асар-лари назм ва наср гулшанининг бор-лиқ ва йўқлигининг, олам ва одамнинг таъсир ва тавсифига, руҳий-маънавий таъдиқига сарфланган бетимсол ижоди-ий меҳнатнинг жаҳоир-меваларидир. Шоир лирик меросининг ўзи 75 минг мисрани ташкил қилади. Биргина ру-бойларнинг ўзи 4 мингга яқин бў-либ, Шарқ шоирлари орасида ҳеч ким Мирзо Бедил каби кўп рубоий ёзган эмас. Афсуски, шоирнинг жоибодор, чуқур фалсафий руҳ ва мушоадалар билан сугорилган рубоийларидан фа-қат бир нечасигина узбекчалаштирил-ган, ҳолос. Шоир уз рубоийларида «тоҳул маҳлуқот» инсонни улуглайди, уни кулларга кўтариб, «Ҳазрати инсон» деб атайд.

Кимки паст-баландга қараса хушёр,  
Иблис малъунлигин тушунар бисёр,  
Ким қибла билмаса Ҳазрат инсонни

Уша лаънатлиб булур шармисор,  
Устоз аллома, профессор Шоислом Шомуҳамедов туғри таъкидлаганлари-дек, рубоийда асосий лирик қаҳрамон — Инсон, асосий мавзу эса инсоннинг ҳаёт ва мамот ҳақидаги уйлари, бир-бири билан узаро муносабати, унинг дунёга келишдан мақсади, улим ман-тиқи, абадийликка интилиш, жамият-даги турли табақалар тасвири ва тав-сифи, муқим ахлоқий ва эстетик ме-зонлар бўлиб қолди. Бедил ҳазратла-ри Инсонга ҳар қадамда унинг ким-лигини эслатиб туради.

## Мирзо Абдулқодир Бедил таваллудининг 335 йиллигига

Гадо либосида келдингузу аммо,  
Асл маконингиз — юксак ул само,  
Меҳрибонлик қилинг бир-

бирингизга,  
Осмон эдингиз-ку бўлманг зери но!

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг газал-ларида мангу мавзулар ҳайратланар-ли бир бетакрорлик билан жунбушга келиб туради. Ҳақ субҳонга ва ҳалққа муҳаббат, туғилиш ҳамда улим каби азалий ва абадий кечинмалар фаву-қулда бир муъжизакорлик билан ўқу-чи руҳига сингдирилади. Нозиктаъб ва зукко замондошлари Бедилни «Абул маъноий», яъни «Маънолар отаси» деб улуглайдилар. Дарҳақиқат, шоирнинг сеҳри калами энг кичик заррадан ко-нол чеқсизлигига булган повнисз ори-лиқда бир қарашда барча мураккаб-ликларини, қочиримларини илғаб олиш мушкул булган нафис шиддат билан чайқалиб туради.

Уз газалларида тасавуфий маъно-ларни ҳаёт ҳақиқати билан уйғунлаш-тириб тараннум этувчи Бедил эзоди,  
**Икки кўз гавҳарингдин ком олурман,  
Икки дунёга жуфт бодом олурман.**

Бедил талқинидаги «бир жуфт кўзи икки дунёга арзийдиган» инсон қандай фазилатлар эгаси?

**Агар сен бўлмасанг дилга нетиб**

**бахт, гульузор келгай,**

**Агар келсанг: сурур келгай,**

**беҳишт келгай, баҳор келгай.**

Нуктадон Бедил ҳазратлари уз мух-лисларига ана шундай Беҳишт, ана шун-дай Баҳорни тухфа этиб яшади.

Шоирнинг руҳий оламига, ана шу биебонга қадам қўя борар экансиз, бу салтанат қаршигизда тобора шуқули-рок, тобора поенсизроқ бир тарзда на-моён булади.

**Менинг кўнглим учун, бил, гам яралган,  
Икки кўзим туфайли, бил, нам яралган.**

**Қанот қокқан эдим бир субҳидамда,  
Кечикмасдан қафас шул дам яралган.**

Бироқ бу ожизлик Бедил ҳазратла-рининг лирик қаҳрамон учун — «мени учун мутлақо уткинчи бир холдир. Бу «гам» ва «нам»ларда қолган инсон да-стлабки қўлай лаҳзалардаёқ ожизлик тузоғини узиб, қафасни синдириб, фа-лақ билан баҳс эта бошлайди.

**Яралган, минг шукур, одам деб олам,  
Менинг-чун, ҳайрият, мен ҳам яралган.**

Мирзо Бедил уз умрининг охирида өзган насрий асари «Чаҳор унсур»да етга-боболари юрти Шаҳрисабз ва Са-марқандни, беповн Туркистон диери-ни, жушқин Жайхун даресини катта му-ҳаббат ва соғинч билан тилга олади. Бу ҳол шоирнинг ҳавли Туркистондан бир лаҳза булса ҳам узаилмаганини курсатади. Буюк шоирнинг ота Ватани ҳам уз мумтоз фарзанди ижодини эъти-борсиз қолдирмади, уни ҳаммаша меҳр билан эслайди.

Абдулла АҲМЕДОВ, шарқшунос.



Данагидан мағзи ширин...

Р. АҚБАРАЛИЕВ олган сурат-лавҳа.

## Яхши хабарлар ОТАЖОН ИЗДОШЛАРИ КУЙЛАГАЙ...

Эллиққалъа туманида халқаро Отажон Худойшү-куров жамғармаси фаолият курсата бошлади. Қорақал-поғистон адлия вазирлиги-да руйхатдан утган бу жам-гарма Турон замини ва ун-дан ташқари ҳам танил-ган ҳофиз, Ўзбекистон, Ко-рақалпоғистон, Туркменис-тон, Татаристон Халқ арти-сти унволига, Ҳамза му-кофотига сазовор булган санъаткор меросини урга-ниш, хотирасини аба-дийлаштириш, Хоразм во-ҳаси қўшиқчилиги анъана-ларини тарғиб қилиш, ис-теъдодли ешларни қўллаб-қувватлаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини тар-биялаш билан шуғуллана-ди.

Жамғарма узининг даст-лабки ийрик ишига тайёр-гарликни бошлаб юборди: Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг махсус қаро-рига биноан июль ойининг учинчи ун кунлигида Бустон шаҳридаги мухтаман санъат саройида ижрочи-ларнинг Отажон Худойшү-куров номидидаги биринчи курик-танловни утказилди.

— Санъаткорнинг мубо-рак хоки туманимиз худ-дидаги муқаддас зиёратгоҳ-да мангу ором олмакда, — дейди Эллиққалъа тумани ҳоқими, Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси депутати, Немаматулла Худойберга-нов. — Курик-танловга эса бутун туман аҳли қизгин хо-зирилик қурмоқда. Шаҳар янада ободонлаштирилиб, унинг бетакор қуркига қур-қушилмоқда. Сабаби бу тадбир элларни элларга, дилларни дилларга, тил-ларни тилларга маънавий неъмат — қўшиқ ҳамда куй орқали пайваста қилади. Отажон Худойшүкуров ме-росини, санъатимизни қа-дрлаган ҳар бир инсонни курик-танловга таклиф эта-ми!

## «АЛПОМИШ» СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Тахтақипир туманидаги Қоратеран кули соҳилида-ги адирларда Бойчбор тўвқларнинг саслари эши-тилмоқда, қуш нуриларда дубулгалар, совултар яқри-ромқода: ушбу кенгликлар-да мамлакатимиз кинема-тографиклари «Алпомиш» бадиний фильмининг суратга олишмоқда.

Қоратеран қирғоғида Ал-помиш даврига оид уй-ру-ғор буюмлари, ашёлар, утовлар айнан шу ёрнинг узидан топиламоқда. Зеро, бу яйловларда халқ узининг ажойиб амалий санъати изларини қуз қорачиқдек асраб келмоқда.

Фильм улмас эпоснинг катта туйи арасидада то-мошабинлар ҳукмига ҳаво-ла этилади.

Янгибой БОЗОРБЎЙ УЛИ.

# МУНЧОҚТЕПАНING КЎЗМУНЧОҒИ БОР

Нурмат оқсоқолнинг Мунчоқтепада узига хос об-ру-эйтибори бор. Ма-ҳаллада ўтказиладиган туллар, турли маросим-лар, азаю лозиматлар унинг маслаҳатисиз ўт-майди. Зеро, у бу ша-рафга узининг ҳалол меҳ-натлари, бир сузлиги, каттага катта, кичикка кич-ик бўлиб муомала қи-лиши, эл-юрт учун куйи-б-ниши билан эришган. Унинг бутун умри халқ ҳаёти билан ҳамонанг.

Нурмат Қаршибоев ан-ча муддат Оҳангарон ту-манидаги Алишер На-воий номи давлат ҳужа-лигининг биринчи бўли-мига раислик қилди, Қишлоқ ва туман кенгаш-ларига ноибликка сайланди, қишлоқ обо-дончилиги учун елиб-югурди, жон куйдириди. Шунинг учун ҳам нафақа-га чиққанидан сўнг эли бир овоздан уни маҳал-ла кумитасига раис этиб сайлади.

Мунчоқтепа асли мун-чоқдек қишлоқ туман мар-казининг биқинига жойлашган булса ҳам... бу ерда на дукон, на май-ший хизмат ва на бошқа

одамлар қорига ярайдиган муассаса йўқ эди. Туман маркази эса қишлоққа ол-ти қақиримча келади. Оқ-соқол кўп уйлаб утирмади. Маҳалла кумитасининг кейинги йилги ишларининг бирида кўпчилик билан маслаҳатлашиб, озиқ-овқат дукони учун янги бино ку-риши тадоригини курди. Бу ишга одамларни жалб эт-ди. Бировлар ишловчилар ва ҳашарчилар учун мол, бошқалари ун, гуруч, ёғ бе-ришиди. Қишлоқ одамлари танти ва сахий эмасми, Нурмат оқсоқол уларни бирлаштириб, янги дукон курилишини бошлаб юборди. Омборхона ва савдо учун ердამчи хона-лар билан тугал булган би-но бир неча ойда қурилиб, фойдаланишга топширил-ди. Оҳангарон туман савдо бошқармаси бинони қа-бул қилиб олди ва энди Мунчоқтепада янги давлат дукони иш бошлаб, одам-ларнинг эҳтиёжини қонди-ра бошлади. Бугун Мунчоқ-тепадаги дуконда белги-ланган саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари муҳайё. Одамлар кундалик истеъмол молларини излаб туман марказига бориш-

## Биз шундай яшаймиз!

рилли. Шундай қилиб, муъжазгина қишлоқ аҳли озиқ-овқат дуконига ҳам, сартарошхона ва этикдуз-лик устаконаларига ҳам эга булди.

дан кутулдилар. Нурмат оқ-соқол бу билан тинчимади. Қишлоқда сартарошхона ва поймафзал таъмирлайдиган устакона йўқ эди. Масала яна маҳалла кумитаси йи-гилишида курилиб, қури-лиш ишлари бошлаб юбо-қабул қилди. Қишлоққа Оҳангарон шаҳридан газ қувурлари тортиб бори-лиди. Турли қувурлар, газ ус-қуналари ҳам қорхона ҳи-собидан келтирилди. Ун-дан кейин эса тоза ичим-лик сув муаммосини ҳал этиш масаласи кутарилди. Бу масала бўйича Нурмат оқсоқол Оҳангарон шаҳар «Сувқоова» ташкилотига мурожаат қилди. Турли ха-ражат-чиқимлар аҳолидан тулланган маблағ эвазига сарфланди ва қисқа муд-дат ичида Мунчоқтепада во-допровод жумрақларидан то-за ичилик сув оқобилади. Шунингдек, электр усқуна-ларини тузатиш, айрим уйлار-даги, айниқса, бокувчиси йўқ, кўп болали оналарнинг уйларида бепул электр жи-ҳозлари ўрнатилди.

Нурмат оқсоқолнинг та-шаббускорлиги билан ут-ган йилдан бошлаб йул чеккалари, ариқларнинг ёқаларига турли манзарар-ли ва мевали дарахт қучат-лари ўтқизиш авж олди-рилди. Фақат шу йилнинг ўзида ун ярим минг тулдан кўпроқ терак қучатлари ў-қазилди, уларнинг ҳамма-си бирдай қўқартириб олинди. Утган йили эқил-

ган олхури, олма, урик, беҳи ниҳоллари, қараб-сизки, ҳадемай ҳосилга киради.

— Қишлоғимиз мар-каздан бироз ўзюкроқ булгани учун ўқувчилар мактабга боришга ҳам қийналишади, — дейди Нурмат ака Қаршибоев. — Биз маслаҳатлашиб курдик. Насиб этса, шу йилдан бошлаб қишлоғи-мизда бошланғич мактаб биноси, чохиона қурили-шига ҳашар йўли билан киришамиз...

Мунчоқтепада 500 га яқин аҳоли истикомат қи-лади. Одамлари шу қа-дар аҳил-иттифоқки, раис нима туғрида мас-лаҳат солса, барча жон-дили билан қўшилади. Раиснинг гапига қараган-да, бу ерда олтига бо-қувчисини йўқотган, турт-та кўп болали оила, унга яқин уруш ва меҳнат фах-рийлари бор. Уларни байрам ва бошқа танта-нали кунларда эсдан чи-қариб қуйишмайди.

Мунчоқтепа, таъбир жоиз булса, қўзмончоғи бор қишлоқ Тилақ шўлки, унга асло қуз темгамай!.

Мўмин ҚАЮМ, журналист.

## ҚИЗЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Қашқадарё вилоят Хо-тин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» вилоят маркази аёллар йиллига бағишлаб Қарши шаҳридаги 1-қасб-хўнар коллежида «Аёлнинг жа-Гурунг

миятдаги ўрни» мавзусида мулоқот ўтказди. Унга та-лаба қизлар ва оила бе-калари таклиф этилди. Талабалар ҳузурда сўзга чиққанлар қизларни-н маънавий оламининг бойлиги, уларни ҳаётга, ижтимоий фаолликка тайёрлаш, бу борада ои-ла, мактаб ва маҳаллани-н ўрни ҳусусида гапир-дилар. (33А)

## ҚИТЪА ПОЛВОНЛАРИ-ТОШКЕНТДА

25-30 май кунлари республикаимз пойтахтидаги «Юнусобод» спорт мажмуасида эркин, юнон-рим ва аёллар кураши бўйича ун учинчи Осиё чемпионати ўтказилди. Бундай нуфузли мусобақанин диёримиз-да ўтказилиши Ўзбекистоннинг спорт нуфузи тобора усаётганлигидан яқоқ далолатдир.

## АЁЛЛАР КУЧ СИНАШДИЛАР

Мамлакатимизда аёллар саломатлиги ҳар томонла-ма муҳофаза остига олинган. Соғлиқни мустаҳкамлаш-да спорт беллашувлари олдига тушадиган восита қом-дан-кам топилади. Шунинг илобатида олим, Қасаба уш-малари республика федерацияси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Давлат спорт кўмитаси Аёллар йил-ига бағишлаб спорт мусобақаларини уюштиришди.

Бахсларнинг финал босқичи Самарқандда ўтказил-ди. Вилотлар ва Қорақалпоғистондан келган жамоа-лар волейбол, стол тенниси, шашка, енгил атлетика бўйича куч синашдилар. Айниқса оилавий мусобақа-лар марокли ўтди. Пировард-натжида умумкоманда ҳисобида мезонлар биринчи уринни эгаллашди, пойта-хт вакиллари иккинчи урин наиб этди. Фарғоналик-лар учинчи бўлишди.

Фақат голиблар ва совриндорлар тақдирлангани йўқ; олдинги йиллар мамлакатимиз спорт доврўига муҳим ҳисса қўшган Озода Аҳмедова, Вера Дуонова, Клара Шокиржонова, Лина Черязова каби таникли спортчиларнинг хизмат-лари эътироф этилганлиги кўпчиликка манзур булди.

## МИКАСА КУБОГИ УЧУН

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни жа-дал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қўл-лаб хорижий етакчи фирмаларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Волейбол топқлари ва усқуналарини ет-казиб беришда пешқадам булган Япониянинг Микаса фирмаси Ўзбекистонда нуфузли халқаро турнирни ўт-казишга бош қўшганлиги бунга яқоқ далилдер.

Мазкур фирма хомилийида илк бор ўтказилаётган мусобақа 30 майга давом этади. Уз мамлакатларида етакчилардан ҳисобланган беш жамоа — «Бешсари» (Киргизистон), «МГФО» (Россия) «Иртиш-Стикс» (Қозо-қистон), «Спорт миллий илмоғи» (Япония) ва «ФИСК» (Ўзбекистон) Микаса кубоғи учун баҳс юритади. Де-макки, спортнинг яна бир тури диёримизда уз макве-ни оширишга дедил киришмоқда.

## ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Олий табақа жамоалари эса кунчи кеча навабдаги тур бахсларида куч синашдилар. Барча муҳлислар ни-гоҳи сузсиз «Самарқанд» — «Дустлик» учрашувиға қа-ратилган эди. 4:3 ҳисобида галаба қозонган самарқанд-лик футболчилар яқна пешқадам бўлиб олишди.

Қолган уйилар натижалари: «Трактор» — «Хоразм» — 1:0, «Нефчи» — «Насаф» — 4:0, «Наваҳор» — «Зарафшон» — 1:1, «Янгиер» — «Сурхон» — 1:0, «Пахтакор» — «Бухоро» — 2:1, «Металлург» — «Сугдиена» — 1:0

А. ШЕРОВ.



Гилам бозори қайдадур?

## БУ ДУНЁНИНГ СИРЛАРИ КЎП

Одатда, эркак ва аёл-нинг фарқи ҳақида медиқлар, ижтимоийчилар ва айниқса руҳшунослар кўп келтира-ди ва айнан улар кўп таъкидлашади. Мисол учун, ижтимоий ҳаётда эркаклар фаолроқ, меҳнатнинг оғири-ни қилишади, жисмонан кучлироқ ва бошқалар. Тиб-бий жиҳатдан эркаклар жис-ми гайрроқ, совуқ ва ис-сиққа чидамлироқ, жисмо-ний таъсирга чидами кучли, уртача вазнлари аёлларни-кидан оғирроқ, мияси ҳам аёлларникидан 100-200 гр. оғирроқ деб таъкидлашади. Руҳшуносларнинг айтишига қараганда эркаклар жисовт-га берилганроқ булишади, бир хил монотон меҳнатта чидамсизроқ, хид сезиш қобилиятлари ҳам кучсиз-роқ, руҳий танг ҳолатларда аёлларга қараганда чидам-сизлик қилишади ва бундай ҳолатларга аёлларга қара-ганда икки мартаба кўпроқ тушиб туришади ва шу нати-жаларга қараб эркаклар жа-ҳон бўйлаб аёллардан 6, 10, 15 еш уртача кам яшалади.

## Биласизми?

Хозирги кунда бизга таниш булиб қолган газеталар қад-дим қадимда Хитой императо-рининг буйруқлари билан чиқа бошлаган. Аммо у хо-зирги газета ҳолига етиб кел-маган. XVI асрга келиб «Ита-лиянинг Венеция шаҳрида чиқа бошлаган ана ушундай хабарномалар кучада бир га-зет — танга пулга сотилган ва шу-шу уларнинг номи га-зетга айланган. Газета Ита-лиянинг уша пайтдаги пул бирликларидан бири булиб энг кичик чакани бидирган. Қараб-сизки, бугунги кунда дунёдаги ҳамма хабарномалар уша пайт-даги Италия пули номи билан дунёга машҳур.

## Биласизми?

Узбекистонда ва бошқа жойларда Арашон, Арашон-булоқ, Арашонсой, Арасан-сой, Оқарасан деган жойлар кўп учрайди. Бу суанин асл узуги санскрит тилидан кел-

## Биласизми?

ган булиб аслида АРАСАН дейлиб, у оби ҳаёт, сувни билдиради. Муғул, бурят, қолмиқ тилларида хозир бу суз арашан дейлиб ми-не-лик сувларни билдиради ва булоқларга нисбатан айтила-ди. Бизда асосан жой, сув

## Биласизми?

лиш холи кўп учрайди. Ми-сол учун ахборот. Биз улар-дан кўплик ясаасак ахборот-лар булади. Буни энди тар-жимма қилсангиз хабарларлар булади. Худди шундай рух, арвоҳ, аммо биз руҳларнинг қулгилгини айтмоқчи булган-да арвоҳлар, деймиз бу ҳам худди шундай руҳлар, була-ди.

## С. ЙҮЛДОШЕВА.

Қўқондаги «iis» жамоа қорхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бе-кор қилинади.

«Пилла-холдинг» холди-нг компанияси жамоаси «Ўзбек ипағи» уюшмаси бошқаруви раиси А. Аҳма-далиевага ақаси

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик бил-дилади.

Бош муҳаррир  
Ўтқир  
РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-хол-динг» компанияси, Агросаноат мажмуи хо-димлари қасаба уюшмаси Марказий Кўми-таси.

МАЎЗИМИЗ  
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҶЧАСИ, 32  
ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва чорвачилик бўлими 1-36-54-51. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.